



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 4 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (12.546)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 3 декабрь куни Оқсаройда «Лукойл нефть компанияси» очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

«Лукойл» компанияси Ўзбекистон ёқилғи-энергетика тармоғидаги йирик инвесторлардан биридир. Компания раҳбарияти ҳамкорлик муваффақиятларини, аввало, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити, иқтисодий барқарорлик кафолатлари ва асосий тармоқларнинг катта имкониятларида деб билади.

Президентимиз Ислон Каримов геология-қидирув ишларининг самарали амалга оширилиши «Лукойл нефть компанияси» очик акциядорлик жамиятига углеводород захирасини кўпайтириш ва юксак ҳамкорлик салоҳиятига эга ишончли шерик мавқеини мустаҳкамлаш имконини берганини таъкидлади.

Компаниянинг Ўзбекистон нефть-газ комплексига тўғридан-тўғри инвестициялари 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича эса қарийб 500 миллион долларни ташкил этди.

Қандим конлар гуруҳини ўзлаштириш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш консорциумини ташкил этишга тайёргарлик кўриш ҳамкорлигининг энг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, учрашув чоғида Бухоро вилоятида газ-

ни қайта ишловчи замонавий заводни лойиҳалаштириш жараёни ва барпо этиш масалалари муҳокама этилди. Устуртдаги конларда ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Айни пайтда «Лукойл» компанияси Ўзбекистонда учта истиқболли лойиҳани амалга оширмоқда. Хусусан, Маҳсулот тақсими тўғрисидаги битим доирасида Ҳавзак, Шоди, Қўнғирот участкалари ҳамда Қандим конлар гуруҳида геология-қидирув ишлари ўтказилди ва натижада 18,5 миллиард куб метр газ қазиб олинди. Ҳисор ҳудуди конларида олиб борилган ишлар натижасида 368,5 минг тонна нефть ва 2 миллиард куб метр табиий газ қазиб олинди. «Лукойл» Инвесторлар консорциуми таркибида Орол блоки ҳудудида геология-қидирув ишларини олиб бормоқда. Бу ишлар самарадорлиги қимматбаҳо хомашё қазиб олиш ҳажмининг ўсиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Учрашувда 2014-2020 йилларда Бухоро — Хива ва бошқа ҳудудлардаги конларда қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши узоқ муддатли шерикликка янги суръат бағишлаши таъкид-

ланди. Компаниянинг яқин 5 йилдаги инвестиция дастури қарийб 5 миллиард долларни ташкил этади.

Шунингдек, «Лукойл» компанияси И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратаётгани таъкидланди. Ушбу олий ўқув юрти битирувчилари — юқори малакали ёш мутахассисларга жаҳон углеводородлар бозоридаги етакчи компанияларда талаб катта.

Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун ва «Лукойл нефть компанияси» очик акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон нефть-газ тармоғидаги фаолияти натижаларини юксак баҳолагани, шунингдек, ўзаро манфаатли ва кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда яратилган қулай шароитлар учун миннатдорлик билдирди. Меҳмон ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини таъкидлади.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН БИР ГУРУХ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдоди билан спорт соҳасида юқори натижаларга эришгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Махстаилов Аббосбек Мухаммадалиевич — Тошкент шаҳри «Пахтакор» профессионал футбол клуби аъзоси

Мўминова Нафиса Алишеровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Истомин Денис Олегович — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Санокүлова Замиражон Бахтиёржоновна — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Фармонов Мирзохид Шухратович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Халмуратов Муроджон Юлдашевич — Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Самарали меҳнати, ташаббускорлиги ва алоҳида ютуқлари билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий ва маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Утемурастов Рустем Муратбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

«Жасорат» медали билан

Исмоилов Ойбек Валижонович — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси посбони

Йўлдашев Шерали Саффарович — Жиззах вилояти Жиззах туманидаги «Қўшбармоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Талипов Бахтиёр Ходжимуратович — Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Худайкулов Эркин Эшимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони назоратчиси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Мейлиев Анзор Артикович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командир

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Баходиржон Ихтиёрович — Навоий давлат кончилиги институтини талабаси

Асқаров Тохиржон Абдуқаҳҳор ўғли — Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчиси

Атаджанов Жасурбек Абдушарифович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Биллинг Телеком» филиали дастурчи-муҳандиси

Болтаев Бехзодбек Матёқуб ўғли — Тошкент педиатрия тиббиёт институтини қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси

Бурибаев Рустамджан Садикджанович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси «Боинг» ҳаво кемаси иккинчи учувчиси

Жўраева Феруза Абдурахим қизи — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Шабнам-нурли замин» фермер ҳўжалиги бошлиғи

Ортиқов Мумтоз Тулқинжонович — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Бунёдкор» ёшлар телеклуби бош координатори

Пирнапосов Аброр Толибович — Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Рахмонов Хуршидбек Дилмуратович — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Кубаро-Дийёр» фермер ҳўжалиги бошлиғи

Тахиров Мурат Юлдашевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси авиатехниги

Тўйчиев Олимжон Алижонович — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини талабаси

Шаробидинов Билолиддин Бахтиёр ўғли — Тошкент тиббиёт академияси талабаси

Эрмонов Орзумурод Шомуратович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг пўлат эритиш цехи устаси

Юсупов Баходир Бахтиёр ўғли — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Юсуфова Мунира Юсуфова — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Юлдашев Акмалходжа Авазходжаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Afrosiyob» электропоезди машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 3 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,05 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 96 105 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 187 970 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 187 970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 115 340 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 2 декабрь



● Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмиталарининг сайёв мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

● Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейда бўлиб ўтган тадбир «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз қафолати» мавзусига бағишланди. Унда вилоят адлия, ички ишлар бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими вакиллари иштирок этди.

● Қарши шаҳридаги «Асадбек бизнес наво» масъулияти чекланган жамиятининг қолбаса цехида яна беш турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2010 йилда ташкил этилган цехда ўндан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланган. Айни пайтга қадар бу ерда қолбасанинг уч тури ишлаб чиқариш эди. Эндиликда маҳсулот тури кўпай-

тирилиб, Қарши шаҳри, Косон, Шаҳрисабз, Китоб, Деҳқонобод туманлари аҳолисига етказиб берилмоқда.



● «Оскар» номли кучли бўрон Финляндиянинг жанубий қисмида бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди. Хусусан, Риихимяки-Лахти участкасида поездлар ҳаракати тўхтатилди. Йигирма минг нафардан ортиқ аҳоли электр таъминотидан узилиб қолди. Эспоо шаҳрида дарахтнинг қулаб тушиши натижасида икки киши жароҳатланди.

● Венесуэла давлати раҳбари автомобилларнинг нархини тушириш ҳақидаги қонунни имзолади. Ушбу янги қонуннинг

машина савдоси билан шуғулланаётган қора гуруҳларнинг фаолиятига кескин зарба беришга мўлжалланганлиги таъкидланмоқда.

● Япония пойтахти Токио шаҳридаги ноёб заргарлик буюмларини сотишга ихтисослаштирилган Ginza Tanasa дўконига юз миллион иен (970 минг АҚШ доллар) лик қийматга эга 2014 йил учун соф олтиндан тайёрланган тақвим савдога қўйилди.

● Европадаги йирик сайёҳлик компанияларидан бири — «Thomas Cook» жорий ҳисобот йилида 316 миллион евро миқдорида маблағ ишлаб олди. Бунда Испания, айниқса, Канар оролларида саёҳат қилувчиларнинг сони кескин ортгани муҳим аҳамият касб этган.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни, халқимизнинг эзгу мақсадларини, миллий давлатчилигимизни, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қонда ва тамойилларини акс эттирган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган, мамлакат халқининг эркиндасини ўзида ифода-

Конституциянинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устунлигини таъминловчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, булар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: Конституциянинг қабул қилинишида алоҳида тартибнинг қўллани-

конституциявий назоратни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди амалга оширади. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу норма Конституциянинг устунлигини таъминлашга хизмат қилувчи асосий қоидалардан ҳисобланади.

Конституция устунлигининг инкор этиб бўлмайдиган яна бир жиҳати шундаки, унда айнан халқ манфаатлари ўз аксини топган бўлиб бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатлар эса айнан Конституция қоидалари асосида қабул қилинади.

Демак, Конституция инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликларини мустаҳкамловчи ва кафолатловчи, шунингдек, иж-

тимоий тузум асосларини, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган, олий юридик кучга эга бўлган асосий қонундир. Зеро, Конституцияни ўрганиш орқали, мазкур мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумга, ҳуқуқ тизимига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, давлатнинг демократик ҳолатига ҳолисона баҳо бериш мумкин. Шу боисдан ҳам Конституция давлат ва жамиятнинг юзи эканлигини асло унутмаслик даркор.

Маъмур Тўйчиев,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси
бўлим бошлиғи

ган, демократик тамойилларни ўзига сингирган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни кафолатлаган, қолаверса, давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берган асосий норматив ҳуқуқий ҳужжатдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий йўналишларидаги асосий қоидалар, тамойиллар ифода-ланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III бобида «Конституция ва қонун устунлиги» масалалари мустаҳкамланган бўлиб, унинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинган, 16-моддасида эса, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституция нормалари ва қоидаларига зид келмаслиги белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий нормалар миллий ҳуқуқ тизимининг асосларини белгилаб беради.

Маълумки, ҳар қандай давлатда Конституция унинг Асосий Қонуни ҳисобланиб, унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилган, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятнинг амалга ошириш механизми белгиланади, жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси авваломбор, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги принциплари амал қилади.

ХАЛҚ ИРОДАСИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ ОЛИЙ ЮРИДИК ҲУҶЖАТ

Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжа-хон декларациясининг инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсизлиги каби деярли барча принципал қоидаларини ўзида мустаҳкамлашган. Унда адолат, маънавият, ҳақиқат ва одиллик, миллий ахлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар каби бевосита халқ иродасини ифода этишга хизмат қиладиган инсонпарварлик меъёрлари мавжуд.

Конституциямизнинг асосий мақсадида эътибор қаратсак, бунда ҳам мазкур ҳужжатда биринчи навбатда халқ манфаатлари устувор қилиб олинганлигига ғувоҳ бўламиз. Чунки, унинг муқаддимасидаёқ, инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятни чуқур англаш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби инсонпарварлик ғояларини рўйбга чиқаришнинг бош мақсадлар сифатида мустаҳкамланиши халқ манфаатларининг устуворлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Конституциямиз «Ўзбекистон — суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустаҳкамловчи муҳим қоидалардан бошланади. Бинобарин, фақат суверен давлатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ва ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

Асосий Қонунимизда давлатимизнинг демократик йўлдан ривожланишининг стратегик йўналишлари белгилаб олинди. Бунда бутун ҳокимият халқга тегишли эканлиги, унинг иродаси асосида амалга оширилиши, шахс ва жамият манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлиги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдиди масъул эканликлари, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро ҳуқуқ андозаларига мос равишда белгиланиши ва кафолатланиши, давлатнинг асосий муассасалари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг бевосита халқ томонидан сайлаб қўйилиши ва бошқа шу каби қатор демократик принциплар ўрнатилди.

Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини диққат билан таҳлил қилар эканмиз, унинг барча моддаларида фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсадан устунлиги тан олинганлигига ва қонуний мустаҳкамланганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Айни чоғда Конституциямизнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда фуқаролар манфаатининг устунлиги нафақат эълон қилинган, балки кафолатланган ҳамдир. Масалан, Конституцияда Ўзбекистоннинг демократик давлат деб эълон қилиниши, яъни мамлакатимизда халқ ҳокимиятичилиги ўрнатилганлиги, демократиянинг умуминсоний тамойилларига асосланганлиги, бунга кўра инсон, унинг ҳаёти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, фуқароларга жуда кат-

та ҳуқуқ ва эркинликлар берилиб, уларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ва ҳоказолар юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида эканлиги, барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдиди масъул эканлиги Асосий Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган муҳим қоидалардан ҳисобланади. Шунингдек, бу қоидаларнинг амалга оширилиши бошқа жорий қонунларимиз билан ҳам таъминланади. Масалан, 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунига биноан, «Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга». Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда ҳам фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиш, Конституция ва бошқа қонунларда ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларини рўйбга чиқариш йўлида ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақли эканликлари мустаҳкамланади ва кафолатланади.

Конституцияда оила, оналик ва болаликнинг давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни ўз зиммасига олганлиги ҳақида меъёрларнинг мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Конституцияда биноан, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимийлик кўрсатишни кафолатлайди». (22-модда)

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси чинакам халқчил ва демократик конституция бўлиб, у тарихан синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мустаҳкамлаган. Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик қуртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини қамол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир».

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик университети
доценти



БАХТИМИЗ ҚОМУСИ — ОБОДЛИК ДАСТУРИ

Тошкент Тўқимачилик ва енгил sanoat институтида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан «Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, нодавлат ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Конституциямиз асосида ўтган йиллар мобайнида ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституциямиз — жамият таянчи ва юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий кафолати, давлатимиз мустақиллигининг ёрқин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодаси ҳисобланишини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Буни мазкур ҳужжатнинг биринчи моддасидан охиригача инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, Ватан равнақи ва жамият тараққиётига хизмат қилиб келаётган умумбашарий ғоялар сингирилганида ҳам кўриш мумкин. Асосий Қонунимизда «инсон учун» деган ғоя илгари сурилиб, уни улуғлаш, эркин қамол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ўз аксини топган.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини жойларда кенг тарғиб қилиш бўйича Адлия вазирлигининг «Тарғибот гуруҳи» томонидан республикаимизда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг масъул ходими Санжар Ибодуллаев. — Ўтказилган мазкур тадбирда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳам инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги, айни дамда меҳр-оқибат, инсонпарварлик, саховат каби ўлмас қадриятларнинг янада улуғланиши мамлакатимиз юксалишига замин бўлаётганлиги таъкидланди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбирда шаҳар Адлия бошқармаси томонидан аҳолининг, айниқса ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда кўрсатган хизматлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари мураббийлари ва бир гуруҳ талабаларга фахрий ёрликлар топширилди.

Тадбир давомида турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг Бош Қонунимиз асосида турли соҳаларда эришилган улкан ютуқлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, юрт тинчлиги ҳамда Ватан ободлиги мавзусидаги маънавий-маърифий чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВЛАР ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда шахримизнинг барча маҳаллаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раисларни ва маслаҳатчиларни сайлаш жараёни қизғин ўтказилмоқда.

Ўрни келганда шунини таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар бир маҳаллада сайловларни талаб даражасида намунали ўтказиш учун маҳалла фаолларидан иборат тузилган ишчи гуруҳлари, туман ва шаҳар миқёсида кўмаклашувчи комиссияларнинг фаолияти ҳамда сайловда тайёргарлик тадбирлари, учрашувлар, семинарлар ўз самарасини бермоқда.

Шу ўринда Учтепа туманида «Кўркамобод», «Бирлик», Журжоний, «Кўкча Октепа» маҳаллаларида бўлиб ўтган сайловларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Жумладан, «Кўркамобод» маҳалласида 3716 нафар аҳоли кўп қаватли ҳамда хусусий уйларида истикомат қилади. Бу шaroитда маҳалла аҳолининг жипслигини таъминлаш учун маҳалла раиси ва фаолларидан катта куч ва идрок талаб этилади.

— Маҳалламиз тумандаги энг кўркем маҳаллалардан бири ҳисобланади, — дейди «Кўркамобод» маҳалласи фаоли Абдунаби Ганиев. — Маҳалламизнинг ҳар бир фуқароси ўз маҳалласи билан фахрланади. Яқинда бўлиб ўтган сайловда 64 кўча ва кўп қаватли уйлар вакиллари иштирок этди. Мукобиллик ва ошкоралик руҳида ўтган сайловда маҳалламизда катта нуфузга эга бўлган Саид-карим Сотиболдиев яқинликл билан маҳалла раиси этиб сайланди. Шу билан бир қаторда маҳалламизнинг энг жонқуяр кишиларидан иборат маҳалла маслаҳатчилари ҳам сайлаб олинди. Шахсан менга сайловнинг демократик тамойиллар асосида очик ва эркин ўтганлиги маъқул бўлди.

Ўз ўрнида шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, тумандаги барча маҳаллаларда туман кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳларининг сайловдаги йўналишлари ўтказилди. Маҳалла фаолларидан таркиб топган ишчи гуруҳлари тегишли қонун, сайлов ўтказиш бўйича намуналар ва тавсиялар билан таъминланди. Ишчи гуруҳи аъзоларининг вазифалар тақсими ва ҳар бир маҳалла бўйича вакиллик меъёрлари белгилаб олинди.

— Фуқаролар йўғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборотлар фуқаролар йўғини биносига ва гузарларга сайловдан камиди беш кун олдин осиб қўйилганлиги сайловчилар учун катта қулайликлар яратди, — дейди Журжоний маҳалласи фаоли Дилшод Ақомов. — Маҳалламизда бўлиб ўтган сайловда ҳаётий тажрибга ҳамда маҳалламизнинг ёши улуғлари орасида катта обрў-этиборга эга бўлган Бахтинур Саидов раис этиб сайланди. Ишончим комилки, мукобил номзодлар орасидан саралаб олинган раисимиз маҳалламизнинг ҳар томонлама равнақ топиши учун ўз ҳиссасини қўшади.

Амалдаги тартибга биноан туман фуқаролар йўғинлари сайловларининг очиклиги, шаффофлиги ва адолатлилиги таъминланмоқда. Буларнинг барчаси маҳаллалар фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганидан далилатдир.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳрида аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташви ҳавфсизлигини таъминлашга оид қўшмича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бошқармаси ва транспорт корхоналари томонидан бажарилиши атрофлича таҳлил этилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Компьютерлаштириш маркази томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари И.Салиҳовжаев, А.Саттарова, А.Қосимов, О.Жиянбаев, Р.Шарипов, Ю.Қўйил, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи С.Насретдинов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи А.Қосимов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи в.б. У.Абдуллаев, Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи Э.Қушвақтов, Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи ўринбосари Ю.Арипджанов, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси бўлим бошлиғи М.Қаҳҳоров ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилиш якунига кўра доимий комиссия томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашга ҳолат бўлмаса керак. Уларга имтиёзлар бериш ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида тадбиркорликка оид бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Ушбу меъёрий ҳужжатлар соҳани янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Пойтахтимиз ва барча вилоятларда тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан уларни хабардор этиш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенгроқ маълумотлар бериш ҳамда уларни қийнаётган муаммолар ечимида яқиндан кўмак кўрсатиш мақсадида кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар ўтказилмоқда.

Яқинда Сергели туман ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-тренинг ҳам «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусига бағишланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган тадбирда палатанинг Тошкент шаҳар бошқармаси, шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар ДСЭНМ, солиқ ва божхона бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад тадбиркорлик субъектларига солиқ қонунчилиги янгиликлари, имтиёз ва преференциялар, ҳужжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказиш тартиби юзасидан маълумотлар бериш ҳамда тадбиркорларга кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида чиқарилган қонун ва фармонлар моҳиятини тушуниришдан иборатдир.

Аксарият тадбиркорлик субъектларида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келиш ҳолати кузатиламоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси хузуридаги жамоатчилик кенгаши маъсул котиби Ҳасан Мадалиев. — Ушбу тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммолар, хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида палатамиз ва назорат қилувчи органлар томонидан бир қанча йиғилишлар ўтказилмоқда. Ўйлашманки бу каби тадбирлар тадбиркорларимиз учун фойдадан холи бўлмайди.

Айтиш жоизки, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан тадбиркорлар ҳимоясига оид белгиланган вазифаларни самарали бажариш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг октябрь ойига қадар палатанинг Тошкент шаҳри бўйича туманлардаги бўлимлари вакиллари Тошкент шаҳри ва туман назорат қилувчи органлари ҳамда солиқ идоралари томонидан ўтказилган (режали, режадан ташқари, қисқа муддатли, муқобил, назорат тартибда, қўзғатилган жиноят иши бўйича) текширувларнинг 169 тасида иштирок этишида ҳамда текширув натижалари юзасидан мониторинг ишлари олиб борилди.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН


Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви шароитида инновацион технологияларнинг долзарб муаммолари» мавзусида анъанавий республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда «Пахта саноати, механика муаммолари ва инновацион ечимлар. Экологик муаммолар», «Тўқимачилик саноати техника-технологияси ва инновациялар асосида уларни ривожлантириш», «Енгил, кимё ва матбаа саноати ишлаб чиқаришида инновацион технологиялар», «Фундаментал, ижтимоий ва иқтисодий фанларнинг тўқимачилик ва енгил саноатдаги ўрни», «Касбий таълимда инновацион ахборот ва педагогик технологиялар» йўналишлари бўйича ялпи ва шўбалик йўналишлари бўйича 200 дан ортиқ маъруза ва бошқа чиқишлар тақдим қилинди.

Илмий-амалий анжуман қатнашчилари бу ерда ташкил этилган институтнинг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчи, магистрант ва иқтидорли талабалари томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари акс этган стендлар, планшет ва макетлар ҳамда улар томонидан тайёрланган монография, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар, виртуал лабораториялар курғазмаси билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Анжуманга тақдим қилинган маъруза ва бошқа чиқишларнинг илмий савиясини эътиборга олиб, уларни тўплам ҳолида нашр этишга қарор қилинди. Ушбу тўпламнинг тарқатилиши эса тажриба, фикр алмашишга, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясига, фанда янги йўналишларни белгилашга, таълим-тарбияни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хасан АБДУНАЗАРОВ



БЕБАҲО БОЙЛИК



Тошкентдаги Ботаника боғида манзарали дарахтлар, буталар ва гулларнинг 4500 дан зиёд ноёб тури ва нави кўпайтирилмоқда.

Танишларимиздан бири яқинда намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги ҳовлига кўчиб ўтди. Уй тўйига айтиди. «Садаф тишлардек бир текис, кўркам уйлар орасидан сизнинг хонадонингизни қандай ажратиб оламиз?» деб сўрадики ундан. Жавоб жуда чиройли бўлди: «Ҳеч қийналмайсизлар, дарвозамиз олдида гуллар очилиб ётибди». Бу гапни ҳазилга йўлди: «Олинг-а, киш эшик қоққанда қандай гул очилиб туради?»

Айтилган вақтда белгиланган манзилга бориб, кўча юзюзида очилиб ётган алвон гулларни кўриб, ростдан ҳам ҳайратда қолдик. Бу ҳайратимиз ҳовлига кирганида янада ошди. Шинам, батартиб ҳовлига турли ниҳоллар ўзгача кўрк бериб турарди. Хайратланганимизни сезган танишларимиз дарахтлар номини бирма-бир санай кетди:

— Магнолия барг чиқаришдан олдин февралнинг охирида гуллаб, апрелга қадар яшнаб туради. Лола дарахтининг гули жуда чиройли, атласдек сержило. Бўйи ҳам нақ ўттиз метрга етади. Буни япон сафораси, каштан, мана бу эса лимон ва мандарин. Банаан экишга ҳам жой ҳозирлаб қўйилган...

Меҳмондорчилик ниҳоясига етиб, уй соҳиб билан хайрлашар пайти ҳам юртимизда ўсадиған, хориждан олиб келинадиган дарахтлар ва гуллар, уларни парваришлаш хусусида суҳбат давом этарди. Кимдир кўп қаватли уйи атрофини кўкаламзорлаштириш, яна бирови шундай кўркам дарахт кўчатларидан ҳовлисига экиш ҳақида гапирарди. Бу кўчатларни қаердан харид қилиш хусусидаги баҳсга ҳаммасибимиз Тошкентдаги Ботаника боғидан олган маъжуд, деб изох берди. Кўпчилигимиз Ботаника боғида кўчатлар кўпайтирилишини билмас эканмиз.

Ботаника боғига бориб, у ерда ноёб ўсимлик ва дарахт турларини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

— Тупроғи олтинга тенг юртимизда ўсадиған ўсимлик турлари кўпчилиги халқларнинг ҳавасини келтиради, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти директори, биология фанлари доктори Бобоқул Тўхтаев. — Мамлакатимизда нафақат мева, балки манзарали дарахт турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Жумладан, юртимизда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олиб, манзарали боғдорчиликни ривожлантириш, маъжуд кўчатларни сақлаш, районлаштириш борасида изчил ишлар олиб борилаётган.

Дарҳақиқат, бу борада Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтига қарашли Ботаника боғида ҳам изчил ишлар амалга оширилаётган. Боғ фаолияти фойдали ўсимликларни топши, комплекс ўрганиш — бошқа минтақалардан келтирилган ўсимликларни янги шароитда ўстириш, улардан иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга йўналтирилган. Боғ таркибидидаги Бўстонлик тоғ-ботаника станцияси, Қизилқум чўл-саҳро станцияси, Амир Темур ботаника боғида дунёнинг турли хил минтақаларидан келтирилган дарахтлар, гуллар ва буталар ўстирилмоқда.

Мазкур боғ 66 гектар майдонни эгаллаган. Манзарали дарахтлар, буталар ва гулларнинг 4500 дан зиёд ноёб тури ва нави парваришланаётган бу сўлим масканда бўлган киши табиатнинг яшил бойликларини кўриб, ҳайратланиши табиий.

Ботаника боғида, энг аввало, Ўзбекистоннинг «Қизил китобига» киритилган манзарали, доривор ўсимликлар коллекциясини яратиш, ўсимликлар дўсири хилма-хиллигини кўрсатиш, бойитиш борасидаги илмий тадқиқотлар олиб борилаётган. Шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, маданий-маърифий ишларни ривожлантириш бўйича ҳам комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Боғ ҳудудидидаги 40 гектар майдонни эгаллаган дендропарладан Марказий Осиё, Европа, Қрим-Кавказ, Шимолий Америка, Шарқий Осиё, Узоқ Шарққа хос ўсимлик ва дарахтлар ўрин олган.

Бундан ташқари, боғ дунё аҳамиятига эга ноёб коллекцияга эга. Бу ерда гулли-манзарали ўсимликларнинг мингдан ортиқ, дарахт ва буталарнинг икки мингдан, доривор ўсимликларнинг уч юздан зиёд тури маъжуд. Шунингдек, оранжерей (кишки боғ) ва иссиқхоналарда дунёнинг турли ҳудудларидан келтирилган, ноёб тропик ва субтропик ўсимликларнинг мингдан ортиқ тур, шакл ва нави ўстирилади.

Гул ва ўт ўсимликлар кўчатхонасида бўлсангиз, турли минтақалардан келтирилган етти юздан ортиқ ниҳолни кўриб, ҳайратлангиз ошад. Ташқарида қайси фасл бўлишидан қатъи назар, бу ерда ҳамиша баҳорий тароват ҳукмрон.

— Марказий Осиёдаги ягона гербарийимизда бир миллион тўрт юз мингдан ортиқ ўсимлик намуналари маъжуд, — дейди Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти

кичик илмий ходими Холида Аҳмедова. — Гербарийимиз ҳар йили икки минтақага ўсимлик намуналари билан бойитилмоқда. Голландия, Чехия, Англия, Покистон, Япония каби мамлакатлардан кўплаб олимлар дунёда йўқолиб кетган, лекин боғимиз гербарийида маъжуд ўсимликларни ўрганиш мақсадида бу ерга келмоқда.

Айни вақтда кўчатхоналарда ноёб дарахт турларини иқлимлаштириш, юртимиз тупроқ шароитига мослаштиришнинг илмий асослари ва технологияси ишлаб чиқилмоқда. Иг-набаргли, доривор, сувда ва ботқоқда ўсадиған ўсимликлар шулар жумласидандир. Мисол учун, ботқоқ сарви нафақат чиройли, у сув кўп жойларга, қўл ва дарё бўйларига экилса, ерни эрозиядан ҳамда қирқоқларни ювилишдан сақлайди. Игр, нилуфар, гулсафар оқова сувларни тозалашда қўл келади. Қрим қарағайи, эман ҳамда айрим теракларнинг афзаллиги эса тез ўсиши ва ёғоч-бопилигидир.

Ботаника боғининг дендропарк экспозициялари, фонд оранжерейасини янада бойитиш, ёш авлодни экологик руҳда тарбиялаш, ўсимликлар генофондини аҳолига янада яқинлаштириш борасида изчил чоралар кўриломоқда.

Юртимиз ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган барг тўқувчи буталар, яшил буталар, чирмовуқлар, игна барглиларнинг ҳам кўплаб тур ва навлари ушбу муассасада кўпайтирилмоқда. Ўрмон ҳўжалиқларида 2012–2013 йилларда 20 минг донага яқин лола дарахти ниҳоли етказиб берилди. Шунингдек, ижтимоий муассасалар атрофини кўкаламзорлаштириш учун ҳар йили турли манзарали ўсимлик ниҳоллари хайрия тариқасида тарқатиламоқда.

Ҳозир Ботаника боғи илмий жамоаси «Қизил китобига» киритилган, йўқолиб кетаётган ўсимликларни ўрганиб, уларни сақлаб қолиш борасида тавсияномалар ишлаб чиқмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон флораси» китобининг янги жилдлари, «Қизил китобининг» бешинчи нашри устида изланишлар олиб бориламоқда. Сурхондарё ва Тошкент вилоятида «Қизил китобига» киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дўсирининг кадастри ишлаб чиқилди. Жиззах вилояти учун ана шундай кадастр тайёрлаш ишлари ниҳоялаб қолди. Келгусида барча вилоятларнинг кадастрларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз илм-фан соҳасида юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, табиат муҳофазатига ва экологик бартарорлиқни таъминлаш, яшил бойлиқдан оқилона фойдалана бориш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли эгзу ишлар бераётган юксак самаралардандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ЮКСАК ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Тошкентдаги «Истиқлол» санъат саройида Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси томонидан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ногирон, ампутант ва имконияти чекланган спортчиларимиз шарафига гала-концерт ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаш, спорт билан шўғулланиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан улар спорт соҳасида ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

— Жисмоний имконияти чекланган ва ногирон спортчиларимиз 2016 йили Бразилияда бўладиган XV Паралимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси бош котиби Омон Фафуров. — Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган қарорига мувофиқ спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш, тажриба ва маҳоратини ошириши, мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Юртимизда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда ўтган Осиёда Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш мавзусига бағишланган халқаро анжуманда жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатлари вакиллари — олимлар, мутахассислар ва экспертлар томонидан бу жиҳатлар яна бир бор кенг эътироф этилди. Тадбирда Осиё паралимпия ҳаракатининг 2020 йилгача мўлжалланган Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистонлик паралимпиячиларнинг 2013 йили халқаро мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари салмоқли бўлди. Июль ойида Францияда енгил атлетика бўйича жисмоний имконияти чекланган ва ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Дониёр Солиев кумуш медални қўлга киритди. Сентябрьда Самарқанд шаҳрида байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича XV Осиё чемпионати доирасида паралимпиячилар ўртасидаги мусобақада ҳамюртларимиздан Усмон Кестан олтин, Ўқтам Ғайбуллаев кумуш медалга сазовор бўлди. Сухуми шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси баш совринни қўлга киритди.

2013 йилнинг 26-30 октябрь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги «Парасиёе ўйинлари – 2013» мусобақаларида саккиз нафар паралимпиячимизнинг барчаси шохсупага кўтарилди. Енгил атлетикада Илҳом Рихсибоев учта олтин, Фаррух Мирзакулов учта кумуш медални қўлга киритган бўлса, Дониёр Солиев иккинчи ўринни эгаллади. Сузишда иккита олтин медални қўлга киритган Кирилл Паньков 100 метрга қалқанча ва эркин сузишда Осиё рекордини ҳам янгилади. Яна бир жуфт олтин медал дзюдочилар – Шухрат Бафоев ва Нурбек Бердиевнинг насиби эди. Пауэрлифтинг мусобақаларида Фарход Умрзоқов ва Исқандар Турсунбоев бронза медал билан тақдирланди.

Яқинда Голландияда кишки спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро турнирда Евгений Слепов ва Равил Ғиёсов 2014 йилнинг 7-16 март кунлари Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтказилган XI кишки Паралимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Истиқлол» саройида ўтган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов томонидан спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилган доимий ғамхўрлик самарасида ўзбек паралимпиячилари жаҳон майдонларида юксак натижаларга эришяётгани таъкидланди. Жаҳон чемпионати совриндори Дониёр Солиев «Йилнинг энг яхши спортчиси», «Парасиёе ўйинлари – 2013» олтин медални соҳибига Илҳом Рихсибоев «Йилнинг энг яхши ёш спортчиси» номинациялари бўйича қолиб деб эълон қилинди.

— Халқаро майдонлардаги бундай муваффақиятларимиз мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг иқтидор ва салоҳиятини намойён этиши учун яратилган кенг имкониятлар натижасидир, — дейди Д.Солиев. — Шундай Ватанда тугилиб воғга етаётганимдан, жаҳон ареналарида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганимдан бахтиёрман. Ниятим — 2016 йили Бразилияда бўладиган Паралимпия ўйинларида давлатимиз байроғини баланд кўтариш.

Байрам тадбирида таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар томонидан Ватан, истиқлол ва ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

Миллий матбуот марказида «Аҳоли орасида ис газидан заҳарланиш ва маийий газнинг қақнаши оқибатида жабрланиш, шунингдек, овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ ҳолатларнинг профилактикасига бағишланган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда куз-қиш мавсумида аҳолининг токсик газлардан ва ёз мавсумида маийий газлардан заҳарланишини келтириб чиқарувчи асосий сабаб ва омиллар, табиий газ босимининг ўзгариши, ностандарт иситиш ускуналари ва газ сўриш насосларидан фойдаланиш, шунингдек, оғир газлар ййгиладиган чуқурликларга тушишда хавфсизлик қондаларининг бузилиши кабиларни ташкил этиши таъкидлаб ўтилди.

Тахлилларга кўра, токсик заҳарланиш ҳолатларининг 60-70 фоизи табиий газ билан боғлиқ бўлиб, 15-20 фоизи табиий газ босимининг ўзгарувчанлиги таъсирида юзага келиши мумкин. Куз-қиш мавсумида табиий газга нисбатан аҳоли эҳтиёжининг ортиши ва истёмоличилар томонидан қўшимча газ сўриш насосларининг ўрнатилиши, айрим ҳолатларда газ тақсимлаш ускуналари (ГРП)нинг қуввати, аҳоли эҳтиёжига мос келмаслиги ёки носозлиги газ босимининг ўзгаришига олиб келган. Баъзан электр энергия таъминотидаги техник жараёнлар натижасида газ сўриш насосларининг ёниқ

қолиши табиий газдан заҳарланиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

Ҳозирга келиб ностандарт иситиш печларининг республика ҳудудига кириб келишининг олдини олиш бўйича тегишли хизматлар билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

2013 йил бошидан бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг таркибий тузилмалари томонидан тегишли идоралар ва ФВД хизматлари билан ҳамкорликда жойлардаги жами 2532 та объектлар ўрганиб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда кузги-қишқи мавсумда ҳам тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида қишлоқ, маҳалла фуқаролар ййигинлари, газ таъминоти филиаллари ва кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти ходимлари томонидан ҳар бир хонадонда профилактика ва тарғибот тадбирларини амалга ошириш, газ тақсимлаш ускуналариининг бир маромда ишлашини назорат қилиб бориш ишлари изчил равишда амалга ошириб бориламоқда.

«Туркистон-пресс»



Мамлакатимизда камол топаётган эркин ва юнон-рум кураши усталари спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида мунтазам галаба қозонаётгани ўзбек спорт курашлари мактаби дунёда энг етакчилар қаторида эътироф этилишида асос бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган қарори асосида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг ташкил этилиши жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга қодир маҳоратли спортчиларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётди.

Мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўғил-қизларимизни соғлом тарбиялаш баробарида улар орасидан маҳоратли спортчилар етишиб чиқишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби директори Чорйёр Хўжанов. – Истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш катта спортдаги ютуқларнинг энг муҳим асосидир.

Айни пайтда мамлакатимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши билан шуғулланаётганлар 25 минг нафардан ошди. Шундан минг нафардан ортиги хотин-қизлардир. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия заҳиралари коллежларида юртимиз тарма жамоалари ва олимпия заҳираси учун истеъдодли спортчилар тарбияланмоқда. Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби ҳам истеъдодли курашчиларни халқаро майдонларда юқори натижалар учун курашишга қодир полвонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётди.

Бугунги кунда ушбу замонавий спорт мактабида олти нафар йигит-қиз эркин, юнон-рум, хотин-қизлар кураши бўйича тажрибали мутахассис ва мураббийлардан спортчиларни ўрганимоқда. Мактабда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш учун барча шaroит яратилган. Янгидан барпо этилган уч қаватли ўқув-машғулот биносидан курашга ихтисослаштирилган 7 спорт зал, ўқув ва маъмурий хоналар, ювиниш, кийим алмаштириш, дам олиш хоналари мавжуд. Замонавий ускуна ва воситалар билан таъминланган тиббиёт бўлимида ёшлар саломатлигини тиклаш ва даволашни учун барча шaroит яратилган.

Ўзбекистон «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли ётоқхона ва ошхона ҳам Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби спортчи-ўқувчиларининг ихтиёрида.


Маъзур мактабда спортчилар 17 ёшдан қабул қилинади. 2013 йилнинг бошида мактабга кириш истагидаги юз нафардан ортиқ ёш спортчилар ариза тушди. Саралаш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, курашчи сифатида ўз икtidорини намойён этган ўғил-қизлар мактабга қабул

қилинди. Уларнинг аксарияти мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатларида голиб ва совриндор бўлаётган ёшлардир.

Спортчи-ўқувчиларнинг нуфузли мусобақаларда кўрсатган юқори натижалари ва юксак марралар сари интилий тажрибали мураббий ва мутахассисларнинг доимий назоратида.

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ва унинг вилоятлардаги федерациялари билан ўзаро мустахкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу селекция ишларини амалга ошириш, икtidорли курашчиларни аниқлаш ва уларни халқаро мусобақаларга тайёрлаш учун ушбу мактабга жалб этиш имконини бермоқда.

– Спорт курашлари билан шуғулланаётган ёшларимиз бўлажак Олимпия ўйинларига қизгин тайёргарлик кўрмоқда, – дейди юнон-рум кураши мураббийи Комил Фатхуллин. – Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

энг олий шараф, – дейди жаҳон чемпионати совриндори Элмурод Тасмуродов. – Эндиги мақсадим – 2016 йили Бразилида бўладиган Олимпия ўйинларига йўлланма олиб, спорт оламининг энг нуфузли мусобақасида муносиб қатнашиш.

Мамлакатимизда олимпиячилар заҳирасини ташкил этадиган ўсмир ва ёш спортчиларнинг қўлга киритаётган натижалари ҳам етакчи полвонларимизга муносиб ўринбосарлар тайёрлаш тизими тўғрисида шакллантирилганидан далолат беради. 2013 йилги мусобақалардаги ютуқлар ҳам шуни кўрсатмоқда. Жумладан, Таиландда ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида юнон-рум кураши бўйича Аҳмаджон Маҳмудов олтин, Жонибек Отабеков ва Жаҳонгир Турдиев бронза медални қўлга киритди. Эркин кураш бўйича тарма жамоамиз аъзолари – Маҳмуджон Шавкатов, Муҳаммадсодиқ Жўраев ва Техрон Хожиев ҳам бронза медал схиб бўлди. Мўғулистонда ўсмирлар иштирокидаги қитъа чемпионатида Х. Норбоева хотин-қизлар курашида шохсупанинг учинчи погонасига кўтарилди.

Олдинда курашчиларимизни янада масъулиятли синов ва мусобақалар кутмоқда. Хусусан, 2014 йили Тошкент шаҳри илк маротаба эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мезбонлик қилади. Ушбу мусобақани ўтказишга АҚШ, Швеция, Финляндия, Германия, Озарбойжон ва Россия сингари ўндан зиёд давлат даъвогарлик қилган эди. Лексингтон Олимпиадаси доирасида бўлиб ўтган Халқаро спорт курашлари федерацияси конгрессида Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаётгани, замонавий спорт инфратузилмаси, шaroит ва мусобақаларни юқори савидада ўтказишда бой тажриба мавжудлиги эътиборига олинб, мезбонлик ҳуқуқи мамлакатимизга берилди.

Бу галги жаҳон чемпионатида юздан зиёд давлат вакиллари иштирок этиши кўтилмоқда. Шу боис Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг мамлакатимиз тарма жамоаларига аъзо бўлган полвонлари ҳам бўлажак мусобақаларга пухта тайёргарлик кўраётди. Бундан ташқари, курашчиларимиз келаси мавсумда Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинлари, Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қиладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа миқёсидagi қатор нуфузли мусобақаларда ўз имкониятини синовдан ўтказиши.

Шубҳасиз, жаҳон ва қитъа миқёсидagi бу каби мусобақалар спортчиларимизнинг тажриба ва маҳоратини оширишга хизмат қилади. Бу эса 2016 йили Бразилида бўладиган навбатдаги Олимпия ўйинларида ўз самарасини бериши шубҳасиз. Зеро, энг кўрашчилари 2000 йилдан буён спорт оламининг энг нуфузли мусобақасидан медалсиз қайтмаган. Бу давр мобайнида эркин ва юнон-рум курашчиларимиз Олимпиадаларнинг тўртта олтин ва учта кумуш медалини қўлга киритган. Рио-де-Жанейрода ҳам ютуқлар аввалгиларидан кам бўлмаслигига умид қиламиз.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Қарор ва ижро

ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарориди муҳим вазифалар, Олимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган барча жиҳат белгилаб берилган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида спортчиларнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик куриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қўлай шaroит-шaroитлар яратилмоқда.

Маҳоратли спортчилар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси спорт мактаби ўқувчиларининг қитъа ва жаҳон чемпионатларида қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ошиб бораётганида ҳам акс этмоқда. Хусусан, 2013 йилнинг 18-22 апрель кунлари Хиндистонда катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Умиджон Исмаилов эркин курашда, Элмурод Тасмуродов юнон-рум курашида олтин медални қўлга киритди. Э.Тасмуродов Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам учинчи ўринни эгаллаб, муҳлису мутахассислар ишончини оқлади.

– Ҳар бир спортчи учун Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариш

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни қўчайтириш, «тилсиз ёнғин» олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. Зеро, ёнғинларнинг олдини олиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шior ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқдир. Аҳолининг қўйидаги ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

– Очiq алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;
– Электр ва газ асбобларини доимо соғлом ҳолда тутиш ва носоз ҳолда, қўлбола тайёрланган шундай асбоблардан фойдаланмаслик;
– Белгиланган жойларда чекиш.

Юқоридаги ўхшаш қондаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, қўнларнинг совийши ҳар бир инсонни хонадонларни иситишга ундайди. Қўллаб фуқаро-

ларимиз шу ниятда қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйларидан, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Агарда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Агар биз қўндалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигини гўёи бўламиз. Қўнчилиқ фуқаролар уйларда электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қондаларига риоя қилмасдан

таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плитасида оқват қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қўрилмалари ва жиҳозларини қўлга айлантиради. Ушбу офат қўллаб инсонлар ҳаётини, соғлигини, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳа айлантиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаолларини, барча инсонларни, хонадон эгаларини, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

Ҳисомиддин ГАЗИХАНОВ,
12-ҲЕХО 24-ҲЕХ кичик инспектори, сафдор

Республикамизда қайд этилаётган ёнғинларнинг аксарияти аҳоли яшаш жойларида содир бўлмоқда. Буларда электр ускуналаридан ва иситиш печларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва болалар шўхлиги туфайли келиб чиқаётган ёнғинларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТАЙЛИК

Аҳолининг ва давлатнинг мулкни асраб-авайлаш, турли тажовузулар офатлардан химоя этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шу қатори ўзимизни, оила аъзоларимизни ва турар жойларимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади.

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан олов офати натижасида хонадон ёки корхона бинолари, у ерлардаги моддий бойлиқлар ёниб қўлга айланиши мумкин. Бу бало сабабини одамларнинг ҳаётдан бевақф кўз юмishi ҳоллари ҳам ураб турибди.

Газ ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганча тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман, ёнғин

хавфсизлиги қондаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учрайди. Фуқароларимиз шу каби хавфсизлик қондаларини билишсади, бироқ кўпинча уларга эътибор қилишмайди. Баъзилар кўра-била туриб қондаларни бузишсади, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек. Бунинг натижасида эса ёнғин юзага келиб, кишиларга катта зиён етказиши мумкин. Буларга йўл қўймаслик учун эса кўп нарса талаб этилмайди, озгина эътиборли бўлсак ва болаларга ҳам шуни ўргатсак оиламизни ва ўзимизни асраган бўламиз.

Жанибек САЛИМБАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант

БОЛАЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан тадбир ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ногиронликнинг олдини олиш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази алоҳида эҳтиёжли болаларга ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига яқиндан қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш олиб бормоқда.

Маъзур марказ қошидаги ахборот-консалтинг хизматининг асосий вазифаси алоҳида эҳтиёжли болаларга шифокорлар, дефектолог, психолог, педагог, даволовчи жисмоний тарбия ўқитувчиси каби соҳа мутахассислари ҳамкорлигида, комплекс ёндашув асосида зарур ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Бу ерда болаларнинг ривожланишидаги нуқсонлар ўз вақтида аниқланиб, шу асосда коррекцион-даволаш чоралари амалга оширилади.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда илғор педагогик-психологик ёндашув асосида махсус даволовчи машғулотлар ёрдамида даволаш орқали касаллик аломатларини бартараф этиш, ҳасталик белгилари зўрайишининг олдини олиш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Марказ мутахассислари томонидан инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг муаммоларини ўрганишга оид илмий изланишлар олиб борилаётган.

Тадбирда театрлаштирилган мусикий дастур намойиш этилиб, болаларга совғалар улашилди.

ЎКСИК ҚАЛБЛАРНИ ШОД ЭТИБ

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Тошкент шаҳри ва вилоятдан имконияти чекланган болалар ва туғиш ёшидаги аёлларга ногиронлар аравачалари ҳамда совғалар топширилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барқарол авлоднинг тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Бу борада имконияти чекланган инсонларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қўнний манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, касбий тайёргарлиги, жамиятга мослашувида қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Бу йил мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кам таъминланган оилаларнинг ногирон фарзандлари ва жисмоний имконияти чекланган хотин-қизларга 550 аравача тақдим этилди, – дейди «Соғлом авлод учун» жамғармаси директори Н.Мўминов. – Бундай хайрли ишлар ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

(ЎЗА)

Таълим

ТАЛАБАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида янги электрон кутубхона ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу кутубхона хизматидан бир вақтнинг ўзида 200 нафарга яқин талаба фойдаланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига тўғра сифатида фойдаланишга топширилган ушбу электрон кутубхонада 100 та замонавий русумдаги компьютерлар китобхонанинг ихтиёрида бўлади. Электрон кутубхона интернет тармоғига уланган. Аҳамиятлиси, шу кунгача кутубхонада ҳам бўлган китобларнинг олти мингтаъининг электрон вариантлари яратилди ва бу жараён давом этмоқда.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳарорат кечаси ва кундузи — 2-4 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мошторинг хизмати маълумотида кўра, 5-ва эр-ташкент шаҳрида 5 декабрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси ва кундузи иккинчи ярмида ёмғир ёғиб қорға айланмиш эҳтимоли мавжуд. Ҳаридан секундида 5-10 метр тезликда, кундузи 12-17 метр тезликда шамол эсади.

Талаб 6 декабрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шaroити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз назарда тутиш қилинмоқда, таъмиқдорли паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1241

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8513 нускада босилди.

Қозғо бичими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрият компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмақонди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ